


# Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф мажмуасида илк мартаба «Ҳанафийлик - мўътадил мазҳаб» мавзуида анжуман ўтказилди

Image not found or type unknown



20:32 / 04.07.2019 2391

Шу йилнинг муборак Рамазон ойида муҳтарам юртбошимиз «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» мажмуасининг очилиш маросимида бу жойда уламолар, диний соҳа ходимларининг илмий суҳбатларини ташкиллаштириш, уларнинг малакасини ошириш ҳамда Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг илмий меросларини ўрганиб, кенг тарғиб қилиш юзасидан тавсиялар берган эдилар. Зеро, умрини дин хизмати, илм равнақи йўлида сарф этган буюк аллома раҳматуллоҳи алайҳ ўзлари ҳаётлик чоғларида илм аҳли, уламолар, шогирдлари билан кўплаб илмий суҳбатлар, анжуманлар ўтказар эдилар. Бугун ана шу эзгу анъана

яна давом эттирилмоқда. Эндиликда, шайх ҳазратлари номлари билан аталувчи мазкур мажмуанинг махсус конференц залида маҳаллий ва халқаро миқёсда илмий анжуманлар, мунаввар суҳбатлар, динимиз, халқимиз учун манфаатли тадбирлар ўтказилади.

Бугун, 4 июль куни илк бор ушбу мажмуада «Ҳанафийлик – мўътадил мазҳаб» мавзуида диний соҳа ходимларининг анжумани ташкил этилди.

Илк ўтказилаётган анжуман айнан мазҳаблар мавзусида ўтказилиши бежиз эмас. Зеро, Шайх ҳазратлари мусулмонларни доим буюк уламолар, улуғ мужтаҳид зотлар йўлини маҳкам тутишга, умматнинг бирлиги, тотувлигини таъминлашга, ихтилофларга барҳам беришга чақириб келганлар. Бу йўлда йирик асарлар таълиф этган эдилар.

Чиндан ҳам бугун ана шу меросни ўрганиш, нафақат диёримиз, балки минтақамизда кенг тарқалган Ҳанафий мазҳабида мустаҳкам бўлиб, ихтилоф ва фитналарнинг олдини олиш ҳар қачонгидан ҳам зарур бўлиб қолди. Бугун ҳар ердан турли воситалар орқали мусулмонларни чалғитиб, мазҳабларни инкор қилаётган, уламоларни рад этиб, Қуръон ва суннатдан ўзича мустақил ҳукм чиқариш даъвосини қилаётган саводи чала кимсалар ислом умматини адаштиряпти, тафриқа ва ихтилофларга сабаб бўляпти.

Анжуманда иштирок этган Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси муфтий Усмонхон Алимов ва бошқа нотиқлар ўз чиқишларида «Мужтаҳид уламоларнинг таърифи», «Мазҳабларнинг келиб чиқиши ва ислом оламидаги аҳамияти», «Имом Абу Ҳанифа роҳматуллоҳи алайҳнинг ҳадис илмидаги ўрни» каби мавзуларда маъруза қилдилар.

Шунингдек тадбирда ЎМИ раиси ўринбосари, шайх Абдулазиз Мансуров «Ислом динида мўтадиллик» мавзусида, ЎМИ Котибият бўлими мудирини Муҳаммадайюб Ҳомидов «Имом Абу Ҳанифанинг ҳадис борасидаги ўрни» мавзусида маърузалари билан иштирок этдилар.

Уламолар мужтаҳид даражасига етмаган кишилар муайян мазҳабни ушлашлари лозим, деб айтганлар. Доктор Ваҳба Зухайл: «Фикҳий мазҳабларнинг ихтилоф ва фитналарга, қонли тўқнашувларга олиб келганини билмаймиз. Йирик тўқнашувлар ақидавий масалаларда бўлган», деб айтган.

Баъзилар Абу Ҳанифа роҳматуллоҳи алайҳни кам ҳадис билган, деса ноўрин айблади. Ваҳоланки, ул зот ҳадисларни аниқлашда талаблари шу даражада юқори эдики, уни фақат муҳаддислар англай олар эдилар.

Ўзларининг талабларига кўра энг ишончли деб билган ҳадисларинигина «Муснад»га киритган ва фикҳий масалаларда қўллаган эдилар. Абу Ҳанифа ҳадисни тушунишда, идрок этишда кўп муҳаддислар етиб бормаган нуқтага етиб бордилар. Бу борада ул зот шундай деган эдилар: Аллоҳнинг динида ўз раъйингиз билан ҳеч бир сўз айта кўрманг. Ҳадисга эргашинг. Ким ҳадисдан четга чиқса адашади.

Ана шу мукаммал фикҳ мактабига асос солган, илм ва тақвода пешқадам бўлган зотларга ҳурматсизлик қилаётган, ислом оламининг мужтаҳиди мутлақларидан ўз фикрини устун қўйиб, мусулмонларни чалғитаётган, мазҳабга тош отаётган кимсаларга холис, илмий, асосли раддия бериш, диний саводсизликка барҳам бериш, фитналарнинг олдини олиш бугун ҳар бир имом-хатиб, исломшунос мударриснинг вазифаси эканлиги таъкидланди.

Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



***Islom.uz*** портали таҳририяти